

ИСАДЖАНОВ Абдували

Ўзбекистон халқаро ислом академияси,
Ислом иқтисодиёти ва молиями, зиёрат
туризми кафедраси профессори,
иқтисодиёт фанлари доктори
isadjanov.abduvali@gmail.com

БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШДА ЭКОЛОГИК ТАҲДИДЛАР

ЭКОЛОГИЧЕСКИЕ УГРОЗЫ УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ

ENVIRONMENTAL THREATS OF SUSTAINABLE DEVELOPMENT

Аннотация. Мақолада экологик таҳдидларнинг хусусиятлари, барқарор ривожланишнинг устувор йўналишлари, экологик омилларнинг атроф-муҳит ҳолатига, иқлим ўзгариши ва экотизимларга таъсири, геосиёсий ва геоиқтисодий ўзгаришлар ва уларнинг барқарор ривожланишга алоҳида эътибор берилади.

Калит сўзлар: экология, экологик таҳдидлар, барқарор ривожланиш, иқлим ўзгариши, геосиёсат, геоиқтисодиёт.

Аннотация. В статье рассмотрены особенности экологических угроз, приоритеты устойчивого развития, влияние экологических факторов на состояние окружающей среды, изменение климата и экосистем, особое внимание уделено геополитическим и геоэкономическим изменениям и их влиянию на устойчивое развитие.

Ключевые слова: экология, экологические угрозы, устойчивое развитие, изменение климата, геополитика, геоэкономика.

Annotation. The article examines the characteristics of environmental threats, priorities for sustainable development, the influence of environmental factors on the state of the environment, climate change and ecosystems, with special attention paid to geopolitical and geo-economic changes and their impact on sustainable development.

Keywords: ecology, environmental threats, sustainable development, climate change, geopolitics, geoeconomics.

КИРИШ

Барқарор ривожланиш ҳақидаги тасаввурлар 1995 йилда Копенгагенда ўтказилган олий даражали Бутунжаҳон учрашувида янада чуқур тусга эга бўлди. Унда Ижтимоий ривожланиш манфаатида ҳаракатлар дастури қабул қилинди [1]. Мазкур ҳужжатда барқарор ривожланиш учун шароит яратишга қаратилган чора-тадбирлар комплекси қабул қилинди. Унда жамиятнинг фаровонлигини белгилайдиган қарорларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда фуқаролик жамиятининг кенг иштирок этиши белгиланган.

Экологик хавфлари табиий муҳит, экотизимлар ва инсон саломатлиги учун мумкин бўлган хавфларни англатади. Бу хавфлар ифлосланиш, иқлим ўзгариши, табиий офатлар ва саноат фаолияти каби турли манбалардан келиб чиқиши мумкин. Экологик хавфларнинг хусусиятларини ва тегишли баҳолаш усуллари тушуниш самарали бошқариш ва уларни камайтириш стратегиялари учун жуда муҳимдир. Экологик хавфларини баҳолаш мавжуд муаммоларни олдини олиш, камайтириш ва бартараф этиш бўйича самарали стратегияларни ишлаб чиқиш учун жуда муҳимдир.

АСОСИЙ ҚИСМ

1987 йилда Брундтланд Комиссиясининг “Бизнинг умумий келажагимиз” ҳисоботида таклиф этилган барқарор ривожланиш концепцияси доирасида “XXI аср учун кун тартиби” ҳужжати ишлаб чиқилди [2].

2030 йилгача “Барқарор ривожланиш кун тартиби” ва “Барқарор ривожланиш мақсадлари” Умумий кун тартибинининг асосини ташкил этади. 2030 кун тартиби одамлар, сайёра, фаровонлик ва тинчлик, барча учун инсон ҳуқуқларини амалга ошириш ва гендер тенглигига эришиш учун ҳаракатлар режасидир. Барқарор ривожланиш мақсадлари кенг камровли ва ажралмас бўлиб, барқарор ривожланишнинг барча уч компоненти: иқтисодий, ижтимоий ва экологик мувозанатни таъминлайди [3].

“Париж келишуви” иқлим ўзгариши бўйича юридик жиҳатдан мажбурий бўлган

халқаро шартномадир. У 2015-йил 12-декабрда Парижда бўлиб ўтган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Иқлим ўзгариши бўйича доиравий конвенцияси (COP21 UNFCCC) иштирокчилари конференциясининг XXI-сессиясида 196 та Томон томонидан қабул қилинган (Шартнома 2016 йил 4 ноябрда кучга кирди) [4].

Париж келишувининг мақсади - глобал ўртача ҳароратнинг ўсишини 1,5 даража Цельсийга чеклаш устида ишлашдан иборатдир. Ушбу стратегик мақсадга эришиш учун мамлакатлар XXI асрнинг ўрталарига келиб иқлимга нейтрал (бетараф) дунёни барпо этиш учун иссиқхона газлари эмиссиясининг глобал чўққисини имкон қадар тезроқ босиб ўтишга интилоқда [5]. Ушбу стратегик мақсадга эришиш учун мамлакатлар XXI асрнинг ўрталарига келиб иқлимга нейтрал (бетараф) дунёни барпо этиш учун иссиқхона газлари эмиссиясининг глобал чўққисини имкон қадар тезроқ босиб ўтишга интилоқда.

Экологик хавф-хатарлари кўпинча бири-бири билан ўзаро таъсир қилувчи бир нечта омиллар ва жараёнларни ўз ичига олган мураккаб иқтисодий, ижтимоий ва экологик ҳодисалардан иборатдир.

Мисол учун, “иқлим ўзгаришини юмшата олмаслик» муаммоси ва иқлим ўзгаришига мослашишнинг муваффақиятсизлиги 2033 йил учун прогноз қилинган энг оғир хавфлар сифатида эътироф этилоқда. Ижтимоий ва сиёсий қутбланиш ушбу глобал хавфларни ҳал қилиш учун муаммоларни жамоавий ҳал қилиш имкониятини янада камайтириши мумкинлигини таъкидлаш лозим. Ҳақиқатан ҳам, кейинги йилларда биринчи даражали хавф сифатида яшаш даражаси инқирози (the cost-of-living crisis) аниқланди, 10 йиллик вақт оралиғидаги энг катта хавф эса иқлим ўзгаришини юмшата олмаслик ҳисобланмоқда [6].

Кузатилаётган геосиёсий ўзгаришлар геоиқтисодий муаммоларни келтириб чиқармоқда ва келгуси йилларда турли иқтисодий кескинликлар, савдо алоқаларнинг чеклашлар ҳодислари ошиши, давлатнинг бозорларга аралашуви ортиб бориши кутилмоқда. Халқаро валюта жамғармасининг

(IMF) сўнгги прогнозларига кўра, глобал инфляция 2022 йилдаги деярли 9 фоиздан 2023 йилда 6,5 фоизга ва 2024 йилда 4,1 фоизга кўтарилиши айtilган [7]. Геоиқтисодий қарама-қаршилик, жумладан, санкциялар ва савдо урушлари кейинги икки йил давомида 42 мамлакат орасида энг катта бешта таҳдид сифатида эътироф этилди ва улар кўплаб Шарқий ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларида энг юқори хавф сифатида кўрсатилди.

“Ижтимоий ҳамжиҳатликнинг эрозияси ва жамият қутбланиши” сўнгги йилларда жиддий даражага кўтарилиб бормоқда. *Ҳар бир хавф келишилган, ўзига хос ва мослаштирилган ҳаракатларни талаб қилмоқда.* Юзага келадиган янги зарбаларга тайёр бўлишнинг тўртта тамойили “Global Risks 2023” ҳисоботида эътироф этилган: хавфларни аниқлаш ва олдиндан кўришни кучайтириш; «келажакдаги» хавфларнинг ҳозирги қийматини қайта кўриб чиқиш; кўп қиррали хавфларга тайёргарлик кўришга сармоя киритиш; тайёргарлик ва жавоб чоралари бўйича ҳамкорликни кучайтириш [8].

“Яшаш харажатлари билан боғлиқ инқироз” кейинги йилларда энг оғир глобал хавф сифатида баҳоланиб, қисқа муддатда энг юқори чўққига чиқиши башорат қилинмоқда [9]. «Биологик хилма-хилликнинг йўқолиши ва экотизимнинг бузилиши» кейинги ўн йил ичида энг тез ёмонлашадиган глобал хавфлардан бири сифатида қаралади. Қисқа ва узоқ муддатли истиқболдаги хавфларга, жумладан, “Геоиқтисодий қарама-қаршилик” ва “Ижтимоий ҳамжиҳатликнинг эрозияси ва жамият қутбланиши”, “Кенг тарқалган кибержиноят ва киберхавфсизлик” ва “Кенг кўламли мажбурий миграция” кириши таъкидланмоқда.

Табиатнинг зарарланиши ва иқлим ўзгариши - бир соҳадаги муваффақиятсизликни иккинчисига ўтишга сабаб бўлмоқда. Экологик сиёсат сезиларли даражада ўзгартирилмаса озик-овқат хавфсизлиги ва табиий ресурслар истеъмоли ўртасидаги ўзаро таъсир экотизимнинг қулашини тезлаштиради. Озик-овқат, ёқилғи ва таннарх инқирозлари жамиятнинг заифлигини кучайтиради, инсон тараққиётига инвестициялар камайиши эса келажакдаги чидамлилиқни бузади.

Хозирда таъсир қилиши кутилаётган энг оғир хатарларга, жумладан, “Энергия таъминоти инқирози”, “Ўсиб бораётган инфляция” ва “Озиқ-овқат таъминоти инқирози”га асосланиб, глобал ҳаёт таннархи инқирози аллақачон сезилмоқда. Озиқ-овқат, сув, металллар ва минерал тақчилликлиги келажакда гуманитар ва экологик инқирозни келтириб чиқариши мумкин, шу жумладан, сув урушлари ва очарчиликлардан тортиб, экологик ресурслардан ҳаддан ташқари самарасиз фойдаланиш ва иқлимни юмшатиш ва мослашишнинг секинлашишига.

Тасвирланган хавфларнинг баъзилари кескин нуктага яқиндир, бу эса ижобий, инклюзив ва барқарор дунёга ёълни шакллантириш учун биргаликда, қатъий ва узоқ муддатли объектив билан ҳаракат қилишни талаб этмоқда. Маълумки, Киото протоколи Киото шаҳрида (Япония) 1997 йил 11 декабрда қабул қилинган ва 2005 йил 16 февралда кучга кирган. Битимнинг асосий мақсади: атмосферадаги иссиқхона газлари концентрациясини сайёрамиз иқлим тизимига хавфли антропоген таъсирнинг олдини оладиган даражада барқарорлаштиришдир [10].

Киото протоколи бозор механизмига асосланган биринчи глобал экологик келишув бўлди - иссиқхона газлари эмиссияси квоталари халқаро савдоси механизмини шакллантиришга туртки бўлди. Бу борада, ривожланган мамлакатлар ўз зиммаларига асосий мажбуриятларни олдилар: Европа Иттифоқи чиқиндиларни 8 фоизга камайтириши; АҚШ - 7% га; Япония ва Канада - 6 фоизга; Шарқий Европа ва Болтиқбўйи мамлакатлари - ўртача 8% га; Россия ва Украина - 2008-2012 йилларда ўртача йиллик чиқиндиларни 1990 йил даражасида сақлаб қолиш шулар жумласидандир [11].

Ҳар бир мамлакат эмиссияларни чеклаш ва камайтириш бўйича ўзининг қабул қилган миқдорий мажбуриятларини бажараётганда ўзининг миллий шароитларига мувофиқ сиёсат ва чора-тадбирларни амалга оширади ва/ёки янада ривожлантиради. 2012 йил 8 декабрда Доҳада (Қатар) 2013 йилдан 2020 йилгача бўлган иккинчи мажбурият даври учун Киото протоколига Доҳа тузатиши қабул қилинди.

Доҳа тузатиши 2013 йил 1 январдан 2020 йил 31 декабргача бўлган иккинчи мажбурият даври учун Киото протоколига қўшимча мажбуриятларни ўз ичига олади [12].

ХУЛОСА

Жаҳон банкининг “Ўзбекистон: иқлим ва ривожланиш бўйича мамлакат ҳисоботи”да (2023 йил) иқлим ўзгариши ва унинг оқибатлари тўғрисида ҳисоботида Ўзбекистонда иқлим ўзгариши билан боғлиқ муаммолар эътироф этилган [13].

Биринчидан. Ўзбекистон глобал карбонат ангидрид чиқиндиларига озгина ҳисса қўшмоқда (астиги 0,3 фоиз), бироқ мамлакат иқтисодиёти дунёдаги энергияни энг кўп талаб қиладиган давлатлардан бири ҳисобланади.

Ривожланаётган иқтисодларни «карбонсизлантириш» бўйича чоралар кўрилмаса, тез иқтисодий ўсишга эришиш иқлим ўзгаришини юмшатиш бўйича глобал саъй-ҳаракатларга тобора путур этказади.

Иккинчидан. Ўзбекистон аллақачон иқлим ўзгаришининг ҳалокатли оқибатларига дуч келмоқда. Бир пайтлар дунёдаги тўртинчи йирик қўл бўлган Орол денгизининг қуриши натижасида юзага келган экологик офат мамлакатнинг катта ҳудудларида ривожланиш борасида кескин муаммоларни келтириб чиқармоқда. Қурғоқчилик, ҳаддан ташқари иссиқлик, ўзгарувчан ёғингарчилик ва чанг бўронлари одамлар ва иқтисодиётларга тобора кўпроқ таъсир қилмоқда.

Учинчидан. Ўзбекистон иқлим ўзгаришига қарши курашиш бўйича халқаро мажбуриятларни ўз зиммасига олди ва ўз зиммасига олган мажбуриятлар доирасини кенгайтиришга киришди.

Тўртинчидан. 2022 йилда Ўзбекистон метан бўйича глобал мажбуриятни қабул қилди ва 2030 йилга бориб метан чиқиндиларини 30 фоизга қисқартиришни мақсад қилиб қўйди.

Бешинчидан. Денгизга чиқиш имкони ёки мамлакатлар билан ўралган Ўзбекистон катта транспорт харажатларига дуч келади. Бу унинг маҳсулдорлигини чеклайди, лекин у логистика хизматларини яхшилаш орқали минтақавий ва глобал қиймат занжирларига чуқурроқ интеграциялашиши мумкин.

2023 йил учун халқаро логистика самарадорлиги индексида Ўзбекистон умумий рейтингда 160 давлат орасида 88-ўринни эгаллади. Темир йўл самарадорлигини янада ошириш, трансчегаравий операцияларни ошириш ва стратегик жиҳатдан жойлашган логистика марказлари транспорт харажатларини камайтириш ва ташқи бозорларда рақобатбардошликни ошириш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Всемирная встреча на высшем уровне в интересах социального развития 6–12 марта 1995 года, Копенгаген, Дания. <https://www.un.org/ru/conferences/social-development/copenhagen>
2. Повестка дня на XXI век. Принята Конференцией ООН по окружающей среде и развитию, Рио-де-Жанейро, 3–14 июня 1992 года. https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/agenda21.shtml
3. Наша общая повестка дня – Доклад Генерального секретаря. Организация Объединенных Наций. New York, NY 10017, United States of America. 2021 год. https://www.un.org/ru/content/common-agenda-report/assets/pdf/our_common_agenda_ru.pdf
4. Что такое Парижское соглашение?. <https://unfccc.int/ru/informaciya-ob-onuv/chto-takoe-parizhskoe-soglashenie>
5. Парижское соглашение. ООН. 2015. https://unfccc.int/sites/default/files/russian_paris_agreement.pdf
6. WEF's The Global Risks Report 2023. <https://future-of-risk.captivate.fm/episode/wefs-the-global-risks-report-2023>
7. IMF, World Economic Outlook Report October 2022: Countering the cost-of-living crisis, October 2022, 2022, <https://www.imf.org/en/Publications/WEO/Issues/2022/10/11/world-economic-outlookoctober-2022>.
8. The Global Risks Report 2023. 18th Edition. Insight Report. World Economic Forum. Geneva Switzerland. 2023. https://www3.weforum.org/docs/WEF_Global_Risks_Report_2023.pdf.
9. World Economic Forum Global Risks. Perception Survey 2022-2023. Global Risks Report 2023 | World Economic Forum (weforum.org).
10. Киотский протокол. <https://kliimaministerium.ru/sfery-deyatelnosti/klimat/kiotskiy-protokol>
11. Киотский протокол к Рамочной конвенции Организации Объединенных Наций об изменении климата. Принят 11 декабря 1997 года. https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/kyoto.shtml
12. Колмусс Аня. Пояснение принятых в Дохе решений о избытке единиц киотского протокола. Март 2013. https://infoclimat.org/wp-content/uploads/2013/03/CarbonMarketWatch-COP18_Surplus_rus.pdf.
13. Узбекистан. Страновой доклад о климате и развитии. Всемирный банк. 2023. <https://documents1.worldbank.org/curated/en/099111423124532434/pdf/P1790680e5fb890b808f570f046c76bbe10.pdf>